

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	Млрд. сўм	2015 йил январь-сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	5526,1	109,0
Саноат маҳсулоти	2470,3	113,1
Истеъмол товарлари	1664,5	111,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1938,9	106,8
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1771,4	105,7
Қурилиш ишлари	929,6	111,3
Юк айланмаси млн. тн-км	1142,5	105,8
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	2915,3	109,0
Чакана товар айланмаси	3811,0	114,0
Хизматлар, жами	2854,6	116,2
Экспорт	142,2	183,0
Импорт	236,7	182,8
Сальдо (+;-)	-94,5	x

Ялпи худардий махсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи худардий махсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 5526,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 9,0 фоизга тенг бўлди.


2016 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 107,6 фоизни ташкил қилди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи худардий махсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм		2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил	2016 йил	
I. Ялпи худардий махсулот, жами	4710,1	5526,1	109,0
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4524,6	5339,2	109,0
Махсулотларга соф солиқлар	185,5	186,9	109,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4524,6	5339,2	109,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	914,3	1030,2	106,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1079,4	1305,1	109,7
саноат	754,1	890,5	109,0
қурилиш	325,3	414,6	111,3
Хизматлар	2530,9	3003,9	109,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	480,5	585,5	112,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	488,4	575,4	109,2
бошқа хизматлари	1562,0	1843,0	108,8

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2015 йил



2016 йил



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (112,0 %), қурилиш (111,3 %) ҳамда ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (109,2 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 77,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 0,1 фоизли бандга ошди.

2016 йил январь-сентябрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 56,2 фоиз (2015 йил январь-сентябрда 55,9 фоиз)ни ташкил қилди.